

2022 йил "05" 01.

Ғаллаорол шаҳри

Ғаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармаси (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) "Ўзтрансгаз" АЖнинг 2022 йил 5.01. даги 01-32/17D-оснли ишончнома асосида иш юритувчи Ғаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи в.б. Б.Хидиров бир томондан ва "Жиззах сув сувтаъминот" МЧЖ Низоми асосида иш юритувчи директори З. Мамарасулов (бундан кейин "Истеъмолчи" деб юритилади), қуйидаги шартнома туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га Ғаллаорол тумани "Газчилар" қўрғонида жойлашган улгуржи ташкилотларини ҳамда ушбу ҳудудда яшовчи аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ичимлик сувини давлат санитар эпидемиологик гигиеник стандарти ва сифати даражасига мувофиқ истеъмолчининг маиший-хўжалик ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёж талабларидан келиб чиққан ҳолда ичимлик суви учун, йиллик чегара _____ м³, шу жумладан ойлик чегара _____ м³ миқдорда етказиб беради.

1.2. "Истеъмолчи", етказиб берилган ичимлик суви хизмат ҳақларини "Таъминотчи" га ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўлайди ҳамда келгуси ойлар учун олдиндан тўловларни амалга оширади.

1.3. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15-июлдаги № 194 сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга риоя қиладилар.

1.4. Шартномани имзоланиш вақтида "Истеъмолчи" ичимлик суви қувурларига уланганлик йўналиш чизмалари ва қувур дм (субсистемолчи) нинг рўйхатини тақдим қилиши шарт.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Истеъмолчи" ҳуқуқи "Таъминотчи" билан тузилган шартнома асосида, ичимлик суви етказиб беришни сотабай узлуксиз амалга оширилишини талаб қилиш;

"Таъминотчи" ўз маблағи ҳисобидан сувни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб қилиш;

Ичимлик ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатишни талаб даражасида бажарилмаганлиги учун "Таъминотчи" дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня) лар тўлашни талаб қилиш;

Шартномани бекор қилишдан камида 15 кун олдин "Таъминотчи"ни ёзма равишда огоҳлантириш ва ушбу муддатда сув таъминоти бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширгандан сўнг бекор қилиш;

Ичимлик сув таъминоти хизматлари учун амалга оширилган тўловлар ҳақидаги маълумотларни шахсан ёки ўз вакили орқали бепул қилиш;

"Таъминотчи" дан ичимлик сув таъминоти хизматлари ҳажми, сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгаргани ҳақида маълумотларни бепул олиш;

3.2. "Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:

Шартнома шартларини бажариш ўзларини ҳудудида ва тасарруфида бўлган коммунал ичимлик сув қурилмаларнинг зарур даражада қўриқланишини таъминлаш, уларни бузилиши, сув босиши ва музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқларни қопқоғини муз ва қордан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини назорат қилиш, ёнғин гидрантларига кириб бориш йўлакларини тирбанд қилмаслик, ёнғин гидрантларини ишга яроқлигини доимий таъминлаб бориш;

Сув ўлчаш асбобларини сақлаш хонасида турли предмет ва материалларни уюм бўлиб сақланишига, шунингдек "Истеъмолчи" нинг ҳудудида бўлган ичимлик сув қурилмалари ўрнатилган ҳудуд устида иншоотлар ва бошқа қурилишлар қуришга, кўчар кўчмас мулкларни жойлаштиришга йўл қўймаслик.

Сувни ҳисобга олиш асбоблари носоз ҳолга келганлиги аниқланган ҳолатларда зудлик билан "Таъминотчи" га ёзма равишда хабар бериш;

Ҳар ойнинг 25 санасига қадар сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри кўрсатган ҳолда, ёзма равишда "Таъминотчи" га ёзма равишда тақдим этиш;

Агарда ушбу талаблар ўз вақтида бажарилмаганда шартномада белгиланган ойлик чегараланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот топширилмаган ой учун ҳисоб-кеитоб олиб борилади ва бу шартноманинг 1.1 бўлими талаби бўйича ҳисобланади.

Белгиланган меъёрдан ортиқ сув сарфламаслик;

Ўзига қарашли ичимлик сув иншоотлар ва қурилмаларидан техник жиҳатдан самарали фойдаланишни таъминлаш;

"Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув тармоқларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришга бегона шахсларни киритмаслик;

"Таъминотчи" вакилининг иштирокисиз қудуқлар (камералар) қопқоғини очишга рухсат бермаслик;

Сув таъминоти иншоотлари "Истеъмолчи" томонидан шикастланган ҳолларда зудлик билан "Таъминотчи" га хабар бериш, "Таъминотчи" нинг техник назорати остида шикастланишларни ўз кучлари билан бартараф этиш, мазкур шикастланишлар оқибатида юзага келган зарарларни қоплаши шарт.

III. "ТАМИНОТЧИ" НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

"Таъминотчи" "Истеъмолчи"ни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатиши мумкин;

“Истеъмолчи” га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик сув қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати кониқарсиз бўлганда ва “Таъминотчи” вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича “Таъминотчи” талаблари “Истеъмолчи” томонидан бажарилмаганда;

“Таъминотчи” мансабдор шахси “Истеъмолчи” нинг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик сув қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларини кайд этиш, пломбаларини ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилганда сув беришни мувофиқлаштириш ва “Таъминотчи” нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

“Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” уланган ичимлик сув қурилмаларида режали огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги “Истеъмолчи” ларни улаш ишлари амалга оширилганда;

“Истеъмолчи” томонидан сув таъминоти хизматлари учун 100% олдиндан энг камида тўлов амалга оширилмаганда; - табиий офат ва авариялар рўй берганда;

“Истеъмолчи” тасарруфида бўлган ичимлик сув қурилмаларига “Таъминотчи” дан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган суб истеъмолчиларнинг тегишли тартибда улашини рад этилганда;

“Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда.

4.2. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

Ичимлик сув таъминоти юзасидан шартнома шартларини бажариш;

“Истеъмолчи” ларнинг, ичимлик сув таъминоти тизимларига уланишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

“Истеъмолчи” лар томонидан сув беҳуда оқизишиб, оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сувдан фойдаланишни қатъий назорат қилиш, ҳисобга олиш, уларга белгиланган лимитларга риоя қилинаётганлигини назорат қилиш;

Етказиб берилган сувни ўлчаш учун ҳисобга олиш асбобларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш;

Кўпи билан бир ойда бир марта “Истеъмолчи” ларнинг ичимлик сув хўжаликларини назоратдан ўтказиб туриш (сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларнинг ишлаши ва пломбалари бутлигини кўздан кечириш, кўрсаткичларни ёзиб бориш) назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузиш;

Ичимлик сувни истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан “Истеъмолчи” ларни алоқа воситалари орқали хабардор қилиш;

Ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифлардаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида “Истеъмолчи” хабардор қилиш;

Ичимлик сув таъминоти хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақида маълумотларни “Истеъмолчи” ларга бепул тақдим этиш.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда:

“Таъминотчи” томонидан эътирознома 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади ва асосий деб топилса ўз вақтида етказиб берилмаган ичимлик суви ва оқова ихзматлари тўлови кейинги ойлар учун қайта ҳисоб қилинади.

“Истеъмолчи” етказилган ҳақиқий зарарни тўлиқ миқдорда тўлаб беради.

5.2. “Истеъмолчи” қуйидагилар юзасидан жавобгар:

“Таъминотчи” билан ҳисоб- китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақланиши учун;

Сув қувурига ўз бошимчалик билан уланган совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йўл қўйган шунингдек, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида ҳисобга олиш асбобларига шикаст етакзгани учун;

Қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

5.3. “Таъминотчи” қуйидагилар юзасидан жавобгардир:

“Истеъмолчи”ларга меъёрий ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофиқ сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

“Истеъмолчи”ларга ичимлик сув таъминоти тизимларига уланиш учун ўз вақтида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

Юклатилган мажбуриятларни ва шартнома шартларини бажармаган ҳолда ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда;

Қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

“Таъминотчи” томонидан электр таъминотининг тўхтатилиши;

Фавқулодда ҳолат;

Авария;

Ёнғин бўлган ҳудудларига сув таъминотини кўпайтириш лозим бўлган ҳолларда.

V. ИЧИМЛИК СУВИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТўЛОВЛАР ТАРТИБИ

6.1. “Таъминотчи” коммунал сув таъминоти тармоғидан етказиб берган (ёки қабул қилинган) ичимлик суви ҳисоби, сув ўлчаш мосламалари мавжуд бўлган ва бўлмаган ҳолатиларда ҳам, уларнинг кўрсаткичлари асосида, амалдаги тарифларга кўра, ҚҚС ни инобатга олган ҳолда тўловлар амалга оширилади.

6.2. Ичимлик сув хизматлари учун тарифлар ўзгарганда санасидан қатъий назар ушбу хизматлар юзасидан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва “Истеъмолчи” кўрсатилган хизматлар учун янги тарифлар асосида улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга оширади.

VI. ФОРС-МАЖОР

8.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдиндан олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Қўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий ҳатти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликлари узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишув қарор топмаса, низолар иктисодий судларга мурожаат қилиш йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Ушбу шартнома икки нусхада тайёрланган бўлиб, ҳар иккала томонда бир нусхадан сақланади.

10.2. Шартнома имзолангандан сўнг қонуний кучга кирилади ва 31 декабр 202__ йилгача амал қилади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

“ТАЪМИНОТЧИ”

«OZTRANSGAZ» AJ GALLAOROL MAGISTRAL
GAZ QUVURLARI BOSHQARMASI
Jizzax viloyati Gallaorol tumani «Gazchilar» qorgoni
Telefon (372) 221-50-16
x/r 2021 0000 7001 1783 6127
«Ozsanoatqurilishbank» ATB Jizzax mintaqaviy filiali
MFO 01152 STIR 200626188 OKED 49500

Бошлиқ в.б.  Хидиров Б.С.

“05” 01 2022 й.

М.Ў

“ИСТЕЪМОЛЧИ”


«JIZZAX SUV TA'MINOTI»
Тел: +998 308 120 000 451
Х/р/П-2020 8000 3003 0453 3001
Банк: ИИБ «Ипотека банк» Жizzax вил. филиали МФО-00122
МФО: 200 345 016 ОКОНХ-90 290
СТИР
ХХТ/УТ
Қўндс-308 120 000 451 ОКЭД-36000
Раҳбар Тел:

“05” 01 2022 й.

М.Ў

Юридик хулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Ҳужалик субъектларининг шартнома-хуқук базаси” Қонуни талабларига мувофиқ келади.

Хуқуқшунос:  Ражабов Б.А.

(имзо)

“05” 01 2022 й.